

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҒОЯВИ
ЖАНГЧИЛАР

Оммавий-сиёсий иш тажрибасидан

Юбилей йилини халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳасида катта, қувватли ютуқлар билан яқунлаш Фарғона области меҳнат аҳлининг азму қароридир. Область колхоз ва совхозларининг минг-минглаб деҳқонлари, саноат корхоналари, қурилишларнинг азамат бинокерлари шонли беш йилликнинг иккинчи йили масъулияти ва шарафини дилдан ҳис этиб фидокорона меҳнат қилётганларки, бунинг дастлабки самараларини кундаги таътиллабдан ҳам билса бўлади. Область корхоналари коллективлари мақсулот реализация қилиш ярим йиллик топширигини мўддатидан олдин адо этиб пландан ташқари 19,5 миллион сўмлик мақсулот ишлаб чиқардилар. Деҳқончиликнинг дастлабки ҳосили-қилладан катта хирмон кўтарилди. План 121 процент адо этилди.

Шу кеча-кундузда область пажата далаларида Фарғонанинг 510 минг тонналик хирмони учун қизғин кураш кетяпти. Колхоз ва совхозларнинг далаларида меҳнат сурури ажида. Одамларни янги марраларга даъват этишда, илҳомлантиришда областдаги кўсонди гоёйи фронт жангчилари агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчи ва таъкилотчиликнинг хизматлари беиҳота катта. Улар корхона ва қурилишларда, дала шийонлари ва фермаларда бўлиб таъсирли, жанговар сўзлари билан ўн минглаб, юз минглаб меҳнат аҳлининг қалби ва онига таъсир этмоқдалар, уларни КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли адо этишга руҳлантирмоқдалар.

Область партия комитетининг ҳозиржавоб, жанговар ёрдамчиси бўлиш гоёйи фронт жангчилари яқинда Москвада ўз ишқини тўғаллаб идеология, ҳодимлари Бутунитифоқ кенгаши материалларини, кенгаш кун тартибига қўйган вазибаларни атирфица муҳокама қилиб, меҳнатқашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини яхшилашга доир муҳим тадбирларни белгилаб олдилар.

Омма орасида сиёсий-тарбиявий иш олиб бораётган 4817 пропагандист, лектор ва сиёсий доқладчилар, 4293 сиёсий ахборотчи, 21798 агитатор ва сиёсий таъкилотчилар ўз бурчларини виждонан бажармоқдалар. Область, шаҳар ва районларнинг 17 газетаси гоёйи тарбиявий ишларда атакли роль ўйнамоқда деб айта оламиз. Бизни шу нарса мамнун этмоқдаки, эндиликда омма орасида ўтказилаётган ҳар бир лекция, доқлад, сўхбат, тематик кеча ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан, коллективлар олдидан турган кон-

крет вазибалар билан боғлаб ўтказилапти. Бу корхона, колхоз ва совхозлар коллективларининг ижодий активлигини оширишга, янги-янги резервларни қидириб топишга, тажмакорликка, ҳар бир меҳнатқашнинг масъулиятини оширишга самарали таъсир этмоқда.

Область партия комитети, республикадаги эмас, Иттифокда биринчи бўлиб КПСС XXIV съезди материалларини ўрганиш юзасидан халқ сиёсий мактаблари очиб таъкилотчиси бўлгани ҳамма маълум. Бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маълумлади. Ҳозир халқ сиёсий мактаблари базасида қариб 4 минг халқ иқтисодий мактаблари иш олиб бормоқдаки, уларга жалб этилган 120 минг колхоз аъзолари, ишчилар, чорвачилик фермаларининг ҳодимлари чуккур сиёсий ҳамда иқтисодий билим олмақдалар. Эндиликда областда халқ иқтисодий мактабларининг неча ўнлаб, юзлаб номи боғиза тушган пропагандачилари бор. Бу мактабларнинг олий маълумотли зиялилари, инженерлар ва иқтисодчилардан иборат пропагандачилари ҳар бир машғулотни кўргазмали, жонли ўтказишга, ҳар бир мавзунинг ҳўжаки аҳуд муассаса олдидан турган вазибаларга боғлаб олиб боришга эришмоқдалар. Бу ўринда Киров районидagi Киров номили совхозининг иқтисодий мактаб-пропагандисти, олий маълумотли мутахассис Ориф Темиров ўзига хос мактаб яратганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Биз партия ва комсомол сиёсий маорифини ҳамма бўлганидек, маорифни сиёсий чиниктиришнинг энг муҳим звеноларидан бири деб ҳисоблаймиз ва бу соҳага эътиборни қучайтираверамиз. Бу йил сиёсий маориф системасида қариб 60 минг киши шўғулланганлиги ҳам бунки кўрсатиб турибди. Р. Лубанский, Ю. Тожибоев, Л. Ибодуллоев, Р. Гараев каби неча ўнлаб пропагандачиларимиз сиёсий маориф системасининг жонқуярлари сафидан жой олиб, тингловчиларнинг марксче-ленинча назариядан, бой маънавий дунё ҳазинасидан баҳраманд этиб келмоқдалар. 1973 ўқиш йилида област марказида ҳамма қулайликларга эга бўлган сиёсий маориф уйининг қурилишига таъкилотчиликнинг гоёйи фронт жангчилари учун муносиб соғва бўлади.

Область партия комитети ҳузурида ишлаётган меҳнатни илмий таъкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш жамоатчилиги институтини кадрларимиз билим ва маънавияти оширишда катта роль ўйнамоқда. Беш йил ичиде бу институтда 2,5 мингдан кўпроқ мутахассис таълим олади. Шуниси характерлики, ҳар бир тингловчи ўзи ишлаётган корхона аҳуд муассаса фаолиятини ишлаб чиқариш-

ни ривожлантиришга, ўша корхоналар олдидан турган проблемаларни ижобий ҳал этишга нафи тегадиган реферат ёклаши керак. Бу талаб ижобий натижалар бераётганидан хурсандимиз. Шунингдек, иқтисодий таҳлил кечалари, коммунистик меҳнат мактаблари ҳам меҳнат аҳлига билим ва амалий малака беришда муҳим роль ўйнамоқда.

Сўнгги пайтларда лекция пропагандаси ишқини бир мунча ахшиллашга эришдик, унга аҳлининг кенг қатламлари жалб этила бошланди. Ўз теварагига 7,5 минг зиялини уюштирган лекторлар армияси сўнгги даврларда йилгига 70-80 минггача лекция ўтқизмоқдалар. Бошқачароқ қилиб айтганда, лекторларимиз жойларда кунгига 200 тагача лекция ўтқизмоқдалар. Лекин, гап сонде эмас, сифатда. Худди шу сифат масаласида, лекцияларнинг гоёйи барқарорлиги, таъкилотчилиги, жонлиги масаласида баъзи камчиликлар борлиги кўзга ташланиб қолди. Шу ўринда битта мисол келтириб ўтқочиман. Кўсонд тўқимачилик машинасозлиги заводи ишқинлари орасида лекция ҳўсулсиз таркатган анкетамизда жўмладан, «Сиз тинглаган лекция касби-корингизга, ҳаётингизга фойдала таъсир кўрсатмоқдами?» деган савол ҳам бор эди. Бунга тингловчиларнинг 21 проценти савбий жавоб қайтарди. Кўриниб турибдики, одамларнинг диди нозик, талаби катта. Уларга куруқ ваъзхонлик ҳўш келмайди. Биз эндиликда масаланинг худди шу томонларига алоҳида диққат қилмоқдамиз. Эндиликдан ҳаёт билан, коллективлар олдидан турган вазибалар билан қаттиқ боғлиқ бўлишга, лекторнинг чуккур иқтисодий таҳлилга қодир бўлишга ҳаракат қилишимиз.

Клублар, кинотеатрлар, кутубхона ва кинотеатрлар маданият оқуртву ишқини олиб боришда муҳим воситалардандир. Бу маданият муассасалари меҳнат аҳлини маънавий бойликлардан баҳраманд этади. Уларда ўтказилаётган турли тадбирлар кишиларнинг миъга ҳордик, яхши кайфият беркшай олади. Лекин, афсуски, жуда ҳашамдор қилиб қурилган баъзи колхозларнинг маданият саройлари ва уйлари кўпичина берк тургани, аҳуд уларда ўтказилаётган тадбирлар кўпичина бир томонлама, янги кинофильмлар намойиш қилишдан нарига ўтмаётганини кўрамиз. Эътироф этиш керакки, худди шу аҳвол областнинг Риштон, Олтириқ районларидаги қатор ҳўжаликларда аққол кўзга ташланади. Биз ана шу камчиликларни тозда бартараф этиш юзасидан таъсирли тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Область партия ташкилати ўзини гоёйи фронт жангчиси деб билган, марксче-ленинча назарияни омма онига синдиришга ҳаётини бағишлаган қатор катта ҳаракатлантирувчи кўзга эга. Бу кўч област ҳўжалигининг ҳамма жабҳаларида ўзининг самарали, илҳомбахш таъсирини ўтказиб келатди. Идеология ҳодимлари СССР ташкил топган кўннинг 50 йилгичи улкан ютуқлар билан кўтиб олишга бел боғлаган кишиларимиз таъсирли жанговар сўзлари билан янги ютуқларга чорламоқдалар.

А. МАХМУДОВ,
Фарғона область партия комитетининг секретари.



ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Осмон ўпар пахта хирмонини эришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшаётган қарамон кишиларимиз — булар сувчилар. Сувчилар ўса ўсимлик ҳаётини, унинг тақдирини ҳал қилувчи қўли гул инсонлардир. Шунинг учун халқимиз сувчиларни заргар, деб бежиз айтаманлар.

Андижон область, Москва районининг сувчилари шу кўнларда гузаларни чўллатмасдан эрта баҳордан қилинган меҳнатнинг тақдирини ҳал қилмоқдалар. Улар «Ушиси эмас, ҳўсали эътибори деган нақлга таъини иш кўрмоқдалар. Шу муносибат билан ақидда «Билим» жамаиятининг Москва райо ташкилотчи илгор сувчилар таърибисини оммалаштириш максатига «Сувчи» ҳўсил яратувчи деган плакат чиқарди.

Плакатда Киров номили колхоз 7-бригада сувчиси Бозорхон Аҳмедов «Эътиборини ораб, наққолини саралаш», «Партия XXII съезди» колхоз 5-бригадаси сувчиси «Илғабой Ғўзиев «Бир томчи сув», «Коммунизм» колхозининг 11-бригада сувчиси Тожибой Ҳошимов «Сувроғи сифати — бош масалар» каби темаларда ўз таърибларини ўртоқлашган.

Бундан ташқари, плакатда «Ленин» колхозининг бир гуруҳи сувчиларининг таърибига алоҳида эътибор қилинган. Тўнда гузаларни сўраётган миришкор сувчиларини таъсирловчи қўллар фотоси расмлар берилган. Ҳозир бу плакат кўп нўсхада нашр этилиб, область колхоз ва совхозлари тарқатилди.

РАХИМОВ.

Янги электр магистраль

Тошкент — Чимкент электр линияси қурила бошлади. Бу магистральнинг Қозғистон жанубий областлари экономикасини ривожлантиришда муҳим аҳимияти бор. Ҳозирги вақтда бу ерда кўп энергия истеъмол қиладиган саноат комплекслари вужудга келтирилмоқда. Булар орасида Сибирь нефтини қайта ишловчи заводи, ўнг ишлаб чиқарувчи корхона айтиб ўтиш мумкин.

Мутахассислар наладанда «Тошкент — Чимкент» энергия линиясини Экибастўзгача узатиришни таъкил қилмоқдалар. Экибастўзда бир неча кучли ГРЭС қуриш мўддаланимоқда.

ШОЛПОЯЛГА СУВ

Кўнфурот. (ЎзТАГ мухбири). Ҳозир Амударёнинг суви анча камайиб қолди. Дарё бошлаб қаданган тоғларда вақтинча салқин тушганлигидан шундай бўлмоқда. Кўнфуротдаги иқтисодиётчиларнинг «Рашид» совхозининг деҳқонлари шолпоюларда нам етати бўлишини таъминлаш учун суви учна шўр бўлмаган коллаторларнинг сувини шолпоюларга оча бошладилар. Кўнфурот магистрал коллаторининг кўп километрини ички соҳилга механизаторлар ўн олти наас урнатишди.

Насосларнинг батареясини 32 тақриблик моторист қўришмоқда. Улар сувини нечаю кундуз чиқариб туришди.

ДИРЕКТИВА
ОБЪЕКТЛАРИ
ЧУҚЛАМАСИ
ГИГАНТ
ҚУРИЛИШГА
ЭЪТИБОР
ШУМИ?

◆ ҚИММАТБАҲО УСҚУНАЛАР ОЧИҚ ҲАВОДА ЗАНГАЛЛАЙ. ◆ ШОШМА-ШОШАРЛИК ОҚИБАТЛАРИ ◆ ТАРМОҚ ГРАФИТИ БУЗИЛАЕТГАНЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ.

Бухорода лирик ил-ғазлама комбинати қад ростлалти. Комбинатнинг биринчи йиғирув-тўқув фабрикаси ҳамда унга алоқадор қўшимча объектлар юбилей йилида фойдаланиш учун топширилсин белгиланган. Бунинг учун курувчи-монтажлар 25 миллион 665 минг сўмлик капитал маблағини ўзлаштирилари лозим.

Беш йилликнинг зарбдор қурилиши, деб эълон қилинган лирик комбинатини бутун мамлакат қурипти. Иттифоқимиздаги қўллаб машинасозлик корхоналари, комбинат қурилишини техника-усқуналари билан таъминлашнинг ўз имжаларига олишган. Шу кўнғача машинасозлик заводаларидан бир неча миллион сўмлик турли хил асбоб-усқуналар етиб келди.

Бош пудратчи — 163-қурилиш трестининг бошқарувчиси Назар Ражабов азамат бунёдкорлари амалга ошираётган ишлар аниқсиз қувончли. Комбинатнинг биринчи навбатини маънавий ремонт устасхоналари, техника билим юрти бинолари, инженерлик коммуналциялари қурилиш жадал сурьатлар билан давом эттирилти.

Комбинат қурилиши ўрта Осиёда биринчи марта конвейер усулда олиб борилапти. Блоклар монтаж 24 участкадан иборат конвейерлашган жараёнда тезкорлик билан амалга оширилти. Қудратли кўрма қранпалар блокларни юқори қаватларга чиқариб монтаж қилишда қурувчиларга мададкор бўлати. Бу қувончли, алобат-Ленин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Биз комбинат қурилиши объектда бўлганимизда қўлгина қўлгилэй воқеаларнинг, етишмовчиликларнинг, шомша-шомшарлик ва палла-партишлик оқибатларининг гувоҳи бўлиш.

Ҳозирданок, бўлажақ комбинат номига асбоб-усқуналар келди бошлади. Лекин, бу қимматбаҳо усқуналарни қўйишга жой йўқ. 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг раҳбарлари омондор қурилишга етгани эътибор — бераётганлар. Оқибатда қимматбаҳо ва мураккаб қурилишга ноб усқуналар танг-чўнгида, ёттин-сочинда қўлиб келтири.

Корхонани саноат суви билан таъминлаш турли муҳим масалалардан биридир. Салкам 80 километрни Хархўр — Бухоро водоводи ана шу максатда қурилапти. Бирок ишқини қучи етмаётганлигидан, пўлат қувурлар, ётқиш учун етарли шарт-шароитлар йўқлигидан бу иш пайсалга солинмоқда. Водоводга Зарафшон дарёсидан сув чиқариб беришни таъминловчи подстанция учун Қўйимзор — Хархўр электр узатиш линияси қурилиши чўшилиб кетди. Сабабини суриштирганимизда металл столбалар, кабеллар, симлар, подстанция-электр-приборлар ва трансформаторларнинг етишмаётганлигини сабаб қилиб қўриштиди. 163-қурилиш трести раҳбарлари бу ҳақда республика идораларига, тегишли министрликларга бир неча марожаат қилганликларини айтишди. Бироқ, юқори таъкилотларнинг масъул раҳбарлари ваъдадан нари ўттишмапти.

Ил-ғазлама комбинатни қурилишда иштирок этаётган В. Жолешников бошлиқ 985-ВР қурувчилари қўйиладан чиқиб-бўлмайд. Улар ўтган йили комбинат корхонасига тегишли бўли қуриб битташилган эди.


Шомша-шомшарлик ва масъулиятсизлик оқибатида ана шу йўл ҳали комбинат ишга тушмасданок чон-чонидан сўқилиб бормоқда. Бунинг устига маъмур коллектив шу кўнларда амалга ошираётган ишлар ҳам санитария нормативлари талабларига жавоб бераёттир. Комбинатга саноат суви олиб келувчи водоводга қувурлар ётқишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Пўлат қувурлар Бухоронинг иссиқ илмин шарафига чидаш берадиган масалаларга ўртамасдан туриб қўйилмоқда.

Энди ички оғиз сува, лойқачлар таъминлашнинг ўз имжаларига олишган. Шу кўнғача машинасозлик заводаларидан бир неча миллион сўмлик турли хил асбоб-усқуналар етиб келди. Қурилиш трестининг ва қурилатган объект дирекциясининг йилгилиш ва планларидан бу ҳақда таъминли гап-сўзлар бўлати. Ишқини назамлари тай ерлаб беришни ўз имжаларига олган Тошкентдаги 4-Давлат лойиҳалаш институти мутахассисларини пўхта иш баянлаштирди, деб бўлмайд. Шу йилнинг баҳорда комбинатнинг ички иссиқлик тармоқларини қуришга кириштилди. Бетон ётқиш, коммуналция ишлари охирига етай деганда лойиҳачилар тармоқ қурилишга жиддий тузатишлар киритишди. Натияжада, қурилиш қайта бошлашга тўғри келди. Бунинг оқибатида жуда катта маблағ ва меҳнат харajatлари оое кетди.

Комбинат қурилиш объектда меҳнат қилётган бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг қурувчилар тармоқ графити асосида иш қураётганликлари жуда ахши. Бу, қурилиш сурьатини оширади. Корхонанинг биринчи навбатини белгиланган мўддатда ишга тушириш графитида 25 июлдан бошлаб буг қозонлари ҳамда бошқа муҳим усқуналар монтажни бошлаб йоборш қўлда тутилган эди. Лекин қарамоннинг раҳбарлари омондор қурилишга аяча вақт ўтиб бораётганига қарамай, усқуналар монтажига киришди йили йўқ. Вўртмачи — республика Енгил саноат министрлиги буюртмаларини ўз вақтида етказиб берилиши устида қатъиян назорат ўрнатилган. Ҳозир комбинат қурилишга етиб келишнинг лозим бўлган қозонлар, усқуналар, буг қозонлари, арматуралар, сепараторлар, насослар, вентиляторлар, исқинлиқ қароратини бир неча ерда тутувчи механизмларга қўйиш 50 нолдига усқуналар ҳанузгача етказиб берилмаган. Тошкентдаги «Узкомплентборудование» бош бошқармаси аэру усқуна ва материалларни графит бўйича қўрсатилган вақтда қурилиш объектга йўнатмапти.

Корхона қурилишда қўш шағал, цемент, темир-бетон каби муҳим қурилиш материалларининг етказиб берилишда ҳам ўзинишлар бўлиб турибди. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, қурилиш материаллари, асбоб-усқуналар етказиб беришга мутахассис етилган корхоналар раҳбарлари Бухоро гигантни қурилиш тезлаштиришга ҳала қит бераётган камчиликларнинг ва етар-етмасликларининг дар ҳол олдини олишлари керак.

О. Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» максусе мухбири.



Жаркова, Эмма ва Алвард Паллар, Надежда Шпакова, Люба Вартанян, Седа Егекян, Ашхен Амрахян ва бошқалар ана шундай ишқан аёллардан.

Иждеван гилам комбинатининг коллективи бир оила аъзоларидай кноқ ва тотув яшаб ишлamoқдалар. Бу коллектив бағрида пеоён мамлакатимиздаги ҳар хил миллатлар вакиллари — арманлар, руслар, озарбайжонлар, грузинлар ва бошқа халқларнинг вакиллари учратилиш мумкин. Улар ҳаммаси ўзларининг фидокорона меҳнат ютуқлари билан СССР ташкил топганлигининг 50 йилгичи тўйини муносиб кўтиб олишга аҳд қилишган.

Илдин планни 25 декабрдаги бажаришга қарор қилган гиламдўзалар қўшимча равишда 12 минг квадрат метр буюм тузиш, реализация планини 300 минг сўм мўддоридан ошириб бажариш, мақсулот таннархини 1,5 процентга камайтириш учун белни маҳкам боғлаб ишга киришганлар. Шу йилнинг ўзида яна 12 хил янги гилам ва 6 хил гилам нўсха поёндозлар тўқиб ўзлаштирилди.

Ярим йиллик меҳнат сарҳисоби жуда қувонarli бўлди. Гилам ишлаб чиқариш планни 900 квадрат метрга ошириб бажарилиди. Йиғириш плани аса 23,1 тоннадан ошириб юборилди. Бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ортинг билан адо этилди.

Комбинатдаги ҳозирги иш сурьати Иждеван гиламдўзалари ўз имжаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришларидан далолат беради.

Г. ЗАРГАРЯН,
А. ХАЧАТЯН,
республика «Коммунист» газетаси мухбирлари.

Арманистонинг Ереван шаҳри, даги электр усқуналари заводи турли давгелатлар, куч трансформаторлари, кучма электр станциялар, генераторлар ишлаб чиқармоқда. Суратда: асинхрон давгелатлар цехи.

Б. Непрут фотоси, (ТАСС).

ИЖДЕВАН
Гиламдўзалари

рассомчилик ва театр институтини тугатилган. У «Эребуни» ва «Иждеван» каби алақачон кенг шўхрат қозонган гиламларнинг қашфийтечиси. Бу йил ана шу гиламларнинг иккаласи ҳам «Сифат беллисин» олинш учун давлат аттестация комиссиясига таъсис қилинди. Роберт билан биргаликда бадиий устасхонада, Илчин Мартеосия, Рипсиме, Арутюни, Жора Даниелилар ҳам бирга ишлайди.

— Янги гиламга қандай ном қўймоқчиизлар? — сўради улардан.

— «Эвартноц». Одатда гиламларга ном қўйишда уларнинг сурати, безалиш усқулари ҳисобга олинади. Бу гилам нўсхасини таъйирлаш пайтида мен урта аср арман таъсирини санъатининг буюк ёдгорликларига ҳос лойиҳа ва орнаментлар мотивига суялдим. — деди Роберт.

Бугун Иждеван республикадаги лирик гилам тўқимачилиги марказига айланди. Бу ерда ҳозир жуда катта гиламчилик комбинати ишлаб турибди. Унинг мақсулотни мамлакатимизда ва ундан ташқарида ҳам махшур. Комбинат гиламлари кўпгина чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларга чиқаришмоқда. Бу ерда турт хил ўлчовда ва 52 хил рангда гиламлар тайёрланади.

Комбинатда чиройли гилам нўсха поёндозлар ҳам ишлаб чиқарилади. Комбинат қувайти 760 минг квадрат метр гилам буюмлари тайёрлашга мўлажалланган. Шу йилнинг ўзидаёқ комбинат 630 минг квадрат метр гилам буюмлари тайёрлаб беради. Гиламдўзалар 1975 йил-

да 800 минг квадрат метрдан кўпроқ буюм тайёрлаб бериш мажбуриятини олганлар.

— Бунга биз меҳнат самалардорлигини ошириш ва янгию-вет-техниклар ҳамда янги кадрларимизнинг малакасини юксалтириш орқали эришамиз. — деди корхона директори Григорий Сергеевич Саруханян.

Гилам тўқиш ентл ва жўш илмас Гилам учун ишлатилган жўшлар тўқув машиналарига тузишдан олдин узоқ ва мураккаб қайта ишлаш жараёнини бошдан кечирди. Биз ҳам ашёни қайта ишлаш жараёни билан қизикдик. Цехнинг иш жараёни билан бизни ишлаб чиқариш бошлиғи, ёшгина йигит Жўмшуд Каузумли таништирди.

У ишлаб чиқариш фаолиятини ана шу корхонада оддий ишчилардан бошлаган эди. Каузумли ўинди, Мутахассислик малакасини оширди. Айрим ишлаб чиқариш участкаларини бошқарди. Яқиндагина эса Иванов шўхратдаги тўқимачилик институтини тугатлаб келди. Ишлаб чиқариш бошлиғи вазибасига тайинланди.


Хом ашё даставвал юқилди, унга бўён борилади. Сўнг кўтирилади. Кейин қорштирилиб, у ердан лабага жўнатилади. Лабада хом ашё бир кеча-кундуз «дам олади». Шундан кейин хом ашёдан иш тайёрлагувчи ҳам у қатор жараёндан ўтати — таралади, йиғирилади. Бир неча йил бурун ана шу жараёндан асқирган, кам қувват станциялар ишлар эди. Механизациялаштириш ва автоматлаштириш, усқин усқуналарни янгилиш, аскамаллаштиришган усқуналар билан алмашти-

Улкан ва ялғиз ишлаб товланувчи гиламлар осида кенг тўқувчилик цехи деворлари ёнидан бориляпти. Қандай рангбаранг гуллар, кашталар, бўёқлар! Ҳар бир гиламнинг ўз номи бор: «Эребуни», «Иждеван», «Гуарк», «Гекча», «Нарине», «Ачант», «Шуман»...

Булар ҳақиқий санъат асарлари, рассомлар, пардозловчилар, йиғирувчилар, тўқувчилар, бошқа ҳўнардagi кишилардан ташкил топган катта коллективнинг илҳомбахш меҳнати самарасидир.

Яқиндагина биз тамоман янги хил гиламнинг тўқилишга шўхид бўлган эдик. Рассом Роберт Маркярян бош икенернинг қабиласига, узун қозғи ўрамини олиб келиб эди. Унда ранг-баранг чизиклар билан бўлажак гилам каштаси чизиб қўрсатилган эди.

Роберт Маркярян Ереван



ЯНГИЙУЛ районидagi «Интернационал» колхозининг механизаторлари гўза парваришини бўшаптирмаган ҳолда янги ҳосил йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу йил колхоз пахтазорларида 35 та терим агрегати ишлайди. Колхоз меҳнаткорлари шу кунда энг сўнгги пахта терим машиналарини ремонтдан чиқармоқдалар. Суратда: (чапда) қишлоқ хўжалик машиналари меҳангчи Винтор Югай ва слесарь Зиб Бадишев терим агрегати ремонтини кўздан кечиришмоқдалар. Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозининг механизаторлари янги йилдан бундан қўлқилин доғини ювиб, илгирлар сафига чиқиб олдилар. Иккинчи йилдан бундан бу хўжаликка Ленин мунофоти лауреати машҳур механизатор Жаҳод Кўчиев раислиги қилмоқда. Колхоз пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ соҳналистиқ мусобақасига қўшилиб, гектар бошига 40 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганлар. Далаларда юксак аҳдага яраша мўл ҳосил тўпланмоқда. Юқоридаги суратда: колхоз раиси Ж. Кўчиев 2-бригада пахтакорлари билан гўза агротехникаси ҳақида суҳбатлашмоқда.

И. Глауберзон, В. Басканов, Д. Шедринский фотолари.

АХБОРОТ

Мухбирларимиздан

МОНУМЕНТДАГИ БЕШ ЛАВҲА

Шахрисабз районидagi Энгельс номи колхозда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорлик монументи ўрнатилди. 17 метр баландликдаги монумент колхоз марказининг энг қушманзара жойида қад кўтариб турилди. Унга Улуғ Ватан урушидан қайтмаган шу ерлик 187 нафар, қанинги номи зарҳал ҳарфлар билан ўйиб битилган. Ёдгорликнинг тепасидаги беш лавҳада жангга қузатиш, жангга кириш, жангчининг ота-онасига қора хат келиши, фронт орақсидagi меҳнат, ғалаба билан қайтиш лавҳалари аниқ тилирилган.

П. ГАДОВ.

БОЛАЛАР ТОПГАН ОЛТИН

Бухородаги 1-мактаб ўқувчилари шаҳар аэропорти атрофида ўйнаб юришаркан, мултигаданда тўрт донга олтин ва кинг донга яқин қушмиш тапга топиб олдилар. Болалар бу ҳақда шаҳар ички ишлар бўлимига дарҳол хабар қилдилар. Бу ерда назув-қидирув ишлари бошланди. Шундай қилиб аэропорт яқинидан топишган умумий вазни 30 кило-

грамм олтин, 7860 донга қушмиш тапга давлат хазинасига топширилди. Олтин топган ўқувчилардан Н. Герасимов, Н. Илючов ва бошқаларга қимматбаҳо совғалар берилди. Т. НАЗИРОВ.

ШИФОХОНА КОМПЛЕКСИ

Нукус шаҳридаги 166-қуриш, лиши трестининг бинокорлари янги шифохона комплексини муваффақият билан тилиб, фойдаланишга топширдилар. Даволаш комплексига поликлиника, 50 ўринли шифохона бор. Поликлиникадаги даволаш кабинетлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Р. ЕШИМБЕТОВ.

КОЛХОЗ КЛУБЛАРИНИНГ КЎРИГИ

Ўзбекистондаги савинга юздан кўпроқ колхоз клублари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган республика кўригига қўшилди. Бағиш хаваскорлини тўғариларининг қатнашчилари ана шу мусобақага махсус концерт программаларини тайёрладилар. Улар йиғим-терим массу-ми кунларидagi ҳамназмонлик, ларига ва қўшилдилар ана шу концерт программаларини кўрсатдилар.

Конкурс аяқлари юбилей олд кунларидagi чиқарилади. Голлилар мунофотландилар ва шаҳарлар ҳамда район марказларининг катта саҳна майдонларидagi маҳоратларини намоиш қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. А. РЎЗИЕВ.

КАРВОН ЙЎЛДА ҚОЛМАСИН

Сирдарё пахта иштиёқи билан яшаймоқда.

Қўриқ воҳа пахтакорлари бу йил ҳам республикамиз зарур-носилари орасида карвонбошлик йилини таъйинлашмоқдалар. Деҳқонку деҳқон, ички, янги-лар, катта-кичик эрталаб салом-алиқдан сўнг:

— Пахта қалай, — деб сўрайди.

Область партия комитети, қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бirlашмаси ва бошқа ташкилот ва идораларда ҳам иш кунини об-ҳаво, маълумотини кўришдан бошланади.

— Кечра 21-36 даража иссиқ эди, бугун 28-33 даража иссиқ бўларкан. Бир-кунда, шунча фарқ! — деди область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг айтири Анвар Мусоев. — Бу ёғи куз эди. Гўза парваришини бўшаптирмай, теримга ҳам пухта тайёргарлик керак. Мажбуриятларимиз ната-

— Гектаридан камда 21 центнер пахта ҳосили оламиз ва 500 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз. Камда 350 минг тонна пахта мана шунда териб оламиз, 130 минг гектар майдондаги ҳосилни қўл меҳнати ишлатмасдан йиғиштириб оламиз. — Сирдарё области пахтакорлари баҳорда ана шундай аҳду-паймон қилган эдилар: Хўш, улар бунга қандай тайёргарлик кўрмоқдалар?

Областадаги мавжуд 5216 пахта терим машинасида тўрт ярим мингта яқин масвумга шай қилиб қўйилди. Ремонт плани 85 процент бажарилиди. Айниқса, Пахтакор, Мирзачўл, Сирдарё, Дустлик районларида бу иш яхши ташкил этилган. Пахтакор районини деҳқонларини юбилей йилида пландагидан 25 минг тонна кўп яқин 75 минг тонна пахта топширишга аҳд қилиб, далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Улар пахтини ҳаммасини ўз қўли билан йиғиштириб олиш учун меҳнат заҳидига тайинландилар. Бир райондаги ёш хўжалик — Со- бир Раҳимов номи совхозда бўлди. Бу хўжалик уч йилдан бундан пахта етиштиришга. Улуғ Ватанимизнинг муқорат тўғи йилида навиқор хўжалик пахтакорлари 4400 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришмоқда.

— Ҳосил қўйини ҳисоблаб кўриш, — деди совхоз директори урғок П. Қўлмагов. — Ҳар гектар ердан пландаги 20 центнер уришга, 30 центнердан ҳосил қўтариб, давлатга 6800 тонна уришга, 13200 тонна пахта топшириш.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика колхоз ва совхозларида социалистик мажбуриятларини бажарилишини ўзаро тегиш-тириш аяқлари тўғрисидаги қарориде август — ҳосил тўла-лашда ҳал қилувчи ой оқанли-ги жуда тўғри таъкидланган. Ҳозир гўзанинг кўнга ишониб бўлмайди. Биз теримга тайёргар-лик қилиш билан бирга гўза парваришини ҳам бўшаптирмай-ми.

Далаларимизда ҳар кунини 70 агрегат гўза қатор браларини юмшатиб юрилди. 170 тажрибали деҳқон аяқини меъ-рида сугормоқда. Шу сабабли Урғок Эртаев, Турғун Олимқулов, Қувондиқ Боймирзаев, Халиқ Давронов, Абдуразақ Нурбеков бошлиқ бригадалар даласидан ҳар тўл гўзада ҳо-зирон ўнтадан кўсак санаиш мумкин.

Совхозда техника тез ва соз ремонт қилинмоқда. Ҳамма бў-

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ РЕЙДИ

лимлардаги агрегатлар марказий устaxonада ремонт қилин-моқда. Бу ремонт сифатини тубдан яхшилаш, иш умумини ошириш, таннарини арзонлашти-риш имконини берди. 130 агре-гат сафта тизиб қўйилган. Механизаторлардан 40 нафари техникани тез, соз ремонт қил-гани учун совхоз дирекцияси то-монидан мукофотланди. Улар-нинг номлари «Хурмат-тахта» сита ёзиб қўйилди. Совхозда тўқилган пахтани теридан, кў-рак терим машиналар, прицеп-лар ҳам соз ремонт қилинмоқ-да.

— Пахта тайёрлаш планини ўн тўрт иш кунинда бажаримиз!

— Собир Раҳимов номи сов-хоз деҳқонларининг аҳди ана шундай.

Шу райондаги «Пахтакор», «Уч қаҳрамон», Оқолтин рай-онидagi «Фаргона» совхозлари, Бобур районидagi «Комму-низм», Сирдарё районидagi «Правда» колхозларида ҳам гў-за парвариши сусайтирилгани ҳолда техника ҳам теримга шай қилиб қўйилмоқда.

Лектин, Низзах, Гулистон, Янгиер районларидаги айрим хўжаликларда техника сўст, сифатсиз ремонт қилинмоқда. Ян-гиер районидagi «Дружба» сов-хоз 740 гектар майдонда пах-та етиштириди. Хўжалик ички, икки, ҳамма техникасини тах-тизлаб қўйгандир, деб шу сов-хоз борди.

Марказий ремонт устaxonаси темир-тераск оморига ўхшай-ди. Моторлар бир ерда, бункер-лар бошқа жойда уюлиб ётиб-ди.

— 19 та пахта терим агре-гатимиз бор, — деди устaxonа мудири Рауф Солиқов.

— Шундан нечаси тайер?

— Тўрттаси.

— Йўқ, саккизтаси, — деди директор Иккинчи Дархонбе-ев.

— Қани, шу «тайер»ларидан биронтасини юризиб кўринчи! Биронта машина ҳам юри-зиб кўрсатишга олмади.

— Машиналарнинг биронтасида ҳам аккумулятор йўқ, 15 та аккумулятор, 15 та реле ке-рак, — деди Рауф ана.

— Нега олмадинглар?

— Нима қиласизлар энди?

— Бу машиналарнинг бизга кераги йўқ, — деди директор.

— Чунки совхозимизда борчу-ги 60 гектар ерда нег қатор-лаб чигит экилган.

— Бошқа хўжаликларда буна-қа машиналарни деҳқонлар кў-тиб етишибди. Областа бу йил 224.000 майдоннинг 190.000 гектарига нег қаторлаб чигит экилган. Қайтариб бериш керак эди.

— Область совхозлар трест механизация бўлимининг бо-лиги Борис Кученкога хат ё-дик, қайтариб олинг, деб. Олти-малли.

Шундай қилиб, ҳар бири 3830 сўм 10 тўғри тўғри пахта терим машинаси, ҳар бири 3103 сўм туралган тўғри-та трактор темир-тераск, тикон-лар орасида, ошқ ҳавода ётиб-ди. Бундан область қишлоқ тех-ника Давлат инспекцияси (бош-лиги урғок Губаев) ҳодимлари ҳам беҳабар бўлишса керак. Ёки хабардор бўлишса ҳам те-скари қараб ўтишганимиз!

Совхозда кўсак терим, кўрак чувиш машиналари, прицеплар ремонтни ҳам сўст. Агрегатлар-ни икки сменада ишлатиш учун механизаторлар етишмайдилар.

Ворошилов районидagi «Гу-листон» совхозининг марказий устaxonасида ҳам бўлди. Хў-жалик пахтакорлари уч минг гектар майдондаги ҳосилнинг деярли ҳаммасини машиналар билан териб олишга аҳд қил-ганлар. Совхоз кент қаторлар-дан пахта теридан янги агре-гатлар, подборшник, кўрак те-радиган машиналар олди. Лекин эски машиналар сифатсиз ре-монт қилинмоқда. 50 та маши-нага аккумулятор етишмайдилар. Совхознинг пахта терим маши-налари бўйича инженерни Нико-лай Винерский, техникна хавф-сизлиги бўйича инженер Шук-рулло Ойчоловлар тайёр, деб кўрсатган машиналарда ҳам ан-ча айрим қислар етишмайдилар.

Совхоз далаларида бу йил мавсумда 80 дан ортиқ маши-нани ишлатиш мўлжалланмоқ-да. Хўжаликда эса 120 механиз-атор (қозир ўқитилганлар) ҳам қўшиб ҳисоблаганда) бор. Лекин, машиналарнинг икки сме-нада ишлатиш учун кирқ-эллик механизатор етишмайдилар. Сов-хоз дирекцияси бунга ҳам ўй-лаб-қўриши ва эҳди билан чора-тадбирлар кўрмоғи керак.

Сирдарё области пахтакорла-ри 500 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиш учун астой-дил курашмоқдалар. Областада ишчи нучлари мамлети сир эмас. Демак ҳосилнинг кўп қис-ми машиналар билан терилиши керак. «Оқ олтин»имизни та-роизга қўйдиган кунлар аяқла-шиб қолди. Шундай бир лайдла:

Қозонда бўлса — чўмичга чи-қади, — деб ўтириш катта ха-то бўлади. Қозонда борини ўз вақтида тўнмай-сочмай йиғи-штириб олиш учун «чўмич»ларни ҳам тахт, хирмон жойларини ҳам саришта қилиб қўйиш зарур. Токи катта карвон йўлда, ёғи-сочини остида қолиб кетмасин!

М. ХИДОЯТУЛЛАЕВ

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ ОЛДИДАН ФАРЗАНДЛАР

Учқўргон район ҳарбий комис-сариятининг ҳодими Нурилла Файзуллаев яқиндагина йиғи-ларини ҳарбий билим юртлари-га юнатишни тугаллаган эди. Ҳо-зир эса офицерлик касбини тан-лаганлар кириш имтиҳонларидан қандай ўтганликларини хабар қи-лишларини сабрсизлик билан ку-тмоқда.

Файзуллаев иш тизга бўлиши-га, қарамай, Ватанга садокат би-лан хизмат қилишга тайёрланёт-ган, аш ватанпарварлар ҳақида марок билан ҳикоя қилади. Улар-нинг қайси бири тўғрисида эзиш мумкин!

— Ленин номи совхозга бо-ришни маслаҳат берадим. У ер-да Шожалиловлар оиласи яшайди. Биласизми, Жўра Шожалиловнинг тўрт ўғли ҳарбий учувчи бўлишга қарор берган. Каттаси ҳарбий авиация билим юртини битирди, иккинчиси ўқитчи, тўртинчиси эса ҳозир Оренбургда имтиҳон то-пишмоқда. Бир оиладан тўрт ло-чин!

Машина тез юриб бормоқда. Мана, Қўрай темир йўл станцияси посёлкасига ҳам етиб келдик. Бу ерда Жўра ака оиласини та-ни-майдиган одам йўқ. Унинг бутун ҳаёти деярли шу ерда ўтмоқда. Меҳнат фаолиятини юк маши-наси ҳайдовчиси сифатида шу ерда бошлаган. Улуғ Ватан уруши йилларида армияга шу ердан кет-ган.

Жўра ака паст бўйли, лекин елка-дор, қўллари меҳнатда қотган ки-ши. Соқларига қиёв тўшган, юз-ларини ақин қоллаган. Гараж му-дир бўлиб ишлайди. Унинг хоти-ни Марҳаббо опа ҳам ошқ кўнгли авл. Оиласи катта бўлишига қара-май ишломқода, посёлкада бола-лар богчасига мудирлик қилади.

Жўра ака ва Марҳаббо опа би-лан суҳбатлашар эканмиз, фар-зандлари қандай қилиб авиацияга киришганликларини аниқла-шишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича буга 1961 йил апрели-даги жаҳоншумул воқеа сабаб бўлган.

1961 йил апрель, 5-синф ўқу-вчилари Мухаммадали унга ҳаёжон-либ кириб келди. Дарҳол ра-диоприёмникнинг кўнглини бура-ди.

— Инсон космосга учди. Гага-рич, — деб гушунларди у нава-рига. Ушундан бун Мухаммада-ли авиацияга киришга қарар қил-ди. Албатта касб танилашда мактабнинг ҳам роли бор. Мактабда эса Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашулар ўқибат турилди. Армияга қақирлини янгиликлар би-лан ёзишга давом этиди.

Бир кун Мухаммадали физика ўқитувчиси Аркадий Гаврилович Дранкинга кўнглидаги орзусини айтди.

— Учувчи бўлмоқчиман. — Жуде ахши, — деб жавоб берди педагог. — Лекин шу на-рса едингда бўлсинки, ҳозирга за-мон авиацияси билимдонлигини талаб қилади. Айниқса математи-ка билан физикани.

Ушундан бунча Мухаммадали ба-ранларга бошқача кўз билан қар-райдиган бўлиб қолди. Илгаринг

ахши баҳолар ҳам энди «аъло»га айланди.

1966 йилда Мухаммадали мак-табни битирди. У олий ҳарбий авиация билим юртига киришга арза бермоқчи эди, лекин ота-онаси унинг инженер бўлишини исташарди. Айниқса Марҳаббо опа-нинг қўнгли учун Мухаммадали Қўйишмоқдаги авиация институтига арза берди. Марҳаббо оланинг ўзи унинг бирга олиб борди. Ик-кинчи имтиҳонини топишриб бўлгун-ча ўша ерда турди, сўнг уйга шо-шилди, чунки етти фарзанд уйда қолган. Отасининг уларга қарб туриши қийин.

Бирдан кўнглинса телеграмма келиб қолди: «Физикадан иқти-дими, уйга қайтганми».

Мухаммадали қайтиб келгач, она ундан қайта-қайта сўради. — Яхши ўқир эдинг-ку, ўғлим, бу қанваси бўлди-и.

Фарзанд қийин савол тушиб қолганини баҳона қилди. Бир йил давомида отасининг ишончасида слесарлик қилди. Шу вақт ичиде Мухаммадалининг энг катта югути ота-онасини кўндириси бўлди. Улар ўғилларининг ҳарбий учувчи бўлишга иштиёқи зўрлигини кўриб рози бўлишди.

Бир неча йилдан кейингина ин-ститутга кириш имтиҳонларидан «яққилиш» сирини онасига айтди. Мухаммадали учувчи бўлишга қатъий қарор берганлиги учун атайлаб шундай қилган экан. Ал-батта, алданиш учун онасидан кенхирим сўради.

1967 йил кузда Оренбургдаги олий авиация билим юртида янги курсант пайдо бўлди. Курсант Му-хаммадали Шожалилов ўқиб да-вомида чўқур билим берган фи-зика ва математика ўқитувчилари миннатдорчилик билан эслади. Мактаб чет тилидан етарли билим берганилиги учун чет тилини ўр-ганганига кўпроқ эътиборини тава-сия қилган ораси Зуфаридан ҳам миннатдор эди.

Мухаммадали ёзган ҳаглар уй-да қайта-қайта ўқиларди. Ота-она-си фарзанднинг соғлиги, ўқиш-даги муваффақиятлари қизқичти-рса, укалари учувчилик касби ҳа-қидаги ҳикояларга қизқичқарил-ди. Бир кун Мухаммадали фотосу-рети юборди. Унда кичик самолёт тасвирланган бўлиб, остида «Бу самолётда дунёда биринчи кос-монавт-учувчи Гагарин учган» ёзувлар хотира тахтиси бор эди.

Шожалиловлар оиласида ави-ация журналлари энг сеvimли журналга айланди.

«Авиация и космонавтика» жур-налининг қайта-қайта ўқишар, тушу-нмаган жойлари тўғрисида хат ор-қали курсант акаларидан сўра-шарди. Мухаммадали иккинчи курсга ўтганда укаси Олимжондан хат олди. «Мен ҳам учувчи бўл-моқчиман» деб ёзганди у.

Лекин ўш яқин Олимжоннинг омеда келмади. Математика бў-йича имтиҳондан ўта олмади. Аммо максидан қайтмади. Ма-тематикани пухта ўрганди, физи-кани қайта-қайта таққорлади, бир йилдан сўнг ана Оренбургга бор-ди. Бу сафар имтиҳонларни му-ваффақият билан топширди. Курсант Олимжон уйга шу мазмунда хат

ёзди: «Назарияни пухта ўрганган-ман. Тез орада акам каби учуш-ни ўргана бошлайман».

Шожалиловлар оиласида катта фарзанд номига бағлан мақтов қозон ва биринчи парвоз муно-сабати билан Олимжон олган та-бирнома эҳтиётлаб сақланмоқда. Жанговар ва сивий тайёргарли-да юксак кўрсаткичларга эриш-ганлиги, космонавт ишларида фвол қатнашганлиги учун ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан бе-рилган Ерлик ҳам шу ерда.

Марҳаббо опа ана бир ҳужжатни кўрсатади. Бу қисм командирни-нинг хати.

«Олимжон каби ажайиб фар-зандни тарбиялаб етиштирган-нингиз учун семаини миннатдор-чилик билдиримиз. Олимжон ака-си Мухаммадалининг изидан бо-риб замонавий самолётини қисқа муддатда пухта ўрганиб олди ва эндиликда мушқил парвоз қи-лмоқда, учуш программасини му-ваффақият билан ўқитишмоқда. Олимжон биринчи кўндоққ имти-зомли жангчи, меҳрибон ўртоқ сифатида танилди».

Орадан биз йил олди. И. С. Полбин номидаги олий авиация билим юртидаги курсант Шожалиловлар сафига Тоҳир Шожали-лов ҳам қўшилди.

Мухаммадали ўтган йили ўқиш-ни муваффақият билан битирди. Унга лейтенант унвони берилди. Уч-қўргонда бўлган вақтимизда Мар-ҳаббо опа ўғли ҳақида заъвляниб гапириб берди. У Мухаммадали ва унинг жанговар дўстлари Улуғ Ватанимизнинг узоқ шимолги че-гараларини муҳофазга қилаётган жойга бориб келган эди. Қайт-ишда Оренбург шаҳрида тўхтаб ў-тди. У ерда онани яна уч фарзанд — икки курсант ва имтиҳон то-пишриш учун келган Раҳимжон кў-тиб олишди. Биз Шожалиловлар оиласида меҳмон бўлганмишда, Раҳимжон имтиҳонлардан қандай ўтганлиги тўғрисида ҳали дарек йўқ эди. Кейинчалик Жўра ака-дан телеграмма олди. Ота ўзи телеграммасида ўғли имтиҳонлар-ни муваффақият билан топширган-лигини хабар қилган эди. Бинобарин билим юртида яна уч Шожалилов ўқимокда.

Бу катта оилда авиацияга таал-луқли яна бир киши бор. Бу Шо-жалиловларнинг тўғинчи Зуфаридир. Зуфария авиация инженери. Ҳозир у Тошкентдаги авиация заводида ишломқода.

Шу тарихи Шожалиловлар оиласида ҳозирча беш фарзанд ави-атор десак бўлади. Ҳозирча дей-шимизнинг сабаби шуки, ҳарбий учувчи, лейтенант Мухаммадали Шожалилов, ҳарбий авиация билим юрти курсантери Олимжон, Тоҳир, Раҳимжон Шожалиловлар-нинг укалари Қосимжон ва Ру-стамжонлар ҳам акалари изидан боришмоқчи.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Суратда: Жўра ака ва Марҳаббо опа фарзандлари билан Оренбург олий ҳарбий билим юртидан кел-ган хатини ўқимокда.

А. Губенко фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ВАЪДАЛАР ШУНДАЙМИДИ?

Мана икки йилдирки, «Илгор», «Тинчлик» маҳаллалари, унинг ат-рофидаги қатор мактаб, болалар богчалари ва шунга ўхшаш та-ш-килотлардаги телефонлар ишла-майдилар. Утган шунча муддат да-вом-ида биз Чилонзор район телеф-он узели ҳамда шаҳар телефон идо-раси раҳбарларига бир неча бор ўчиршиб, ваъдалар олдим:

— Телефонларингиз икки ойдан кейин ишлайди...

Телефонларингиз янги ўрнати-лган пайтларда бир кун ишласа, иккинчи кун миқ эъмой хўбимизни оширадир. Эндиликда уйимиз тў-роғда мебеллар қатори бир «бе-рза» бўлиб қолди ҳолос. Бизга қуруқ беъан эмас, иш-хизмат юза-сидан сузлашш, дўсту ёронларим-из, узоқ-қўнлар билан суҳбат-лашмоқчи бўлганимизда телеф-он керак. Бизнинг территориямизда 20 мингга яқин аҳоли яшайди. Нечасини ёни нундузимиз даб-ду-рустан бетаб бўлиб қолувчи ки-шилар ҳам учрайди. Бундай пайт-ларда «Тез ёрдам» машинасини қақиршиш учун қаргга боришимиз-ни билмай қоламиз. Трамвай би-

лан югурайликми ёни автобус билан? «Тез ёрдам» идораси қа-рига жойлашган! Нима ичлари-мизни билмай, тўрт томонга югу-риб қоламиз. Агар телефонлари-миз ишлаганида эди, бундай та-ш-вишга ўрин қолмасди. Айниқса, телефон бизнинг фарзандларимиз таълим олаётган 132-мактаб, 193-болалар богчаси ва шу каби та-ш-килотларга жуда ҳам зарур. Бу та-ш-килотларнинг раҳбарлари ҳам телефонларини ишлатиш учун қанчадан-қанча тегишли таши-лотларга учрашмади? Қанча вақт-лари зоё етмади? Аммо биз на-би улар ҳам ҳеч қандай натижа чиқара олишмайпти.

Балки икки йилдан бундан ени-яма қилаётган бу жумбоқни Ўзе-бекистон ССР Алоқа министрида-ги масъул ўртоқлар ҳал қилиб беришар.

Ж. МАХМУДОВ, шахсий пенсиядор, республи-када хизмат қўрсатган мада-ният ҳодими.

Х. АЛИМОВ, «Илгор» маҳалла номитети-нинг раиси.

М. МИРКОМИЛОВ, Республикада хизмат қўрсат-ган ўқитувчи.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ, ёзувчи.

ВУЛҚОН-И АМИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Биз табиат муъжизаси — вулқон портлашлари ҳақида кўп эшитганимиз. Ана шундай портлашлар Камчаткадаги Карим вулқонидан ҳам бўлиб туради. Бу ерда ҳозирги юз йилликда йигирмадан зиёд вулқон портлашлари қайд этилди. Бу портлашлар олимларимизда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки, Каримда нисбатда катта вулқон портлаши юз бермаган эди. Унинг кучи тоғу тошини атрофга иттиб ташлади. Унинг нақадар катта эканлигини қим, атрофдаги тоғу тош қолдиқлари даволат бериб турибди.

Олимларни қизиқтиратган кўпгина масалалар ичида энг муҳими портлаш таҳмини методларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда бу ерда ана шу муҳим муаммо устида қизғин ишлар олиб борилаётган. Суратларда (чапдан) сейсмик экспедиция бошлиги Павел Фирстов табиатнинг ана шундай муъжизасини билан жуда кўп марта юзма-юз келган. У тажрибали мутахассис сифатида кенг тан олинади. Сиз ўнгдан суратда Каримда юз берган кўзгориқсимон вулқон портлашини кўриб турибсиз.

ТАСС фотокорреспонденти.



Жаҳон бўйлаб

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ТОКИО.** Сагамихара шаҳрининг аҳолиси (Канагава префектураси) Американинг ремонт қилинган танклар ва бронетранспортерлари н и г бу ердан Вьетнамга юборилишига қарши норозилик намоийишлари давом эттирмоқда. АҚШнинг ҳарбий базаси шу шаҳарда жойлаштирилган. Намоийишчилар танклар ортидан трейлерларнинг портига юборилишига ҳалокат бермоқда.

◆ **ЯПОНИЯ.** Коммунистик партиясида парламентга сайланган депутатларнинг бир гуруҳи Американинг танкларини Японияда ремонт қилишни ва бу танкларнинг Вьетнамга юборилишига қарши Япония ҳукуматида расмий норозилик билдириди.

◆ **ГАВАНА.** Куба пойтахтида ҳалқаро китоб йилга бағишланган плакатлар тизмаси очилди. Куба расмийлар чизган суратлар бу тизмага қўйилди. Тизмага гаваналиклар орасида катта қизиқиш туғдириди.

◆ **ПАРИЖ.** Қимматчиликнинг тўхтовсиз авж олаётганлиги ҳозирги Франциянинг ҳаётига хос ҳусусиятларнинг биридир. 14 августдан бундан нархи шу йил ичида кичикин марта оширилди. 1972 йилнинг олти ойи мобайнида гўш ва сут, тамаки, автомашиналар нархи анча ошди, транспорт ҳаракатлари ортди, коммунал хизмат қимматлари кетди: электр энергияси қиммати 1,15 процент ва газ қиймати 4 процент ошди.

◆ **КАНБЕРРА.** Австралида шу йилнинг июль ойида яна 7.361 киши ишсизлар қаторига қўшилди. Ойнинг охирига бориб ишсизлар сони 112.290 кишига етди. Мамлакатда 1962 йилдан бундан ишсизлар сони ҳеч бунчалик қўлаймаган эди.

◆ **БАЙРУТ.** Исроилда меҳнаткашларнинг ўз қўнуни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги за-бастовка ҳаракати кенгайиб бормоқда. Акка шаҳридаги пўлат қўйиш заводининг 500 дан ортиқ ишчиси иш ташлади. Иш ташловчилар корхона эгаларидан иш ҳақинини оширилишини, меҳнат ва турмуш шароитининг яхшиланишини талаб қилдилар.

Хукуматнинг мамлакатни милитаризация қилишга қаратилган авиациясини йўли меҳнаткашларнинг оғир машаққатларга дучор қилмоқда. Исроил молния министри Тель-Авив ҳукумати кенгайиш олти йил ичидаги ҳарбий эҳтиёклар учун 6 миллиард доллар сарф қилди, деб айтган гап-қоф.

(ТАСС).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ № 28. Редактор — 336545, Редактор уринбосарлари — 337283. Шундан турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Ҳалқаро ҳаёт — 337221. Сановат, напйтал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Кишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юрталари — 334451. Махаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенография — 337343. Коррентура — 337162. Ўзловлар — 338142. Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48-85, Бухоро — 3-31-42, Қарши — 38-42, Нукус — 42-62, Самарқанд — 31-972, Термиз — 55-35, Ургач — 34-55, Фарғона — 4-29-44.

СЎЗ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ШАХМАТ ШАРХЛОВЧИСИГА

ХАТОДАН ХОЛИ ЎЙИН КАМ

Жаҳон чемпионлари турли мусобақаларда мислсиз галаба эришиш билан бирга доимо шахмат санъатига ўзларининг бирон-бир ингиликларини қўшиб қолганлар. Биринчи стратегия ёки тактиканинг ўнча-номалум бир қонунини яратган, кичикинчи маълум қондиларни бошқароқ талқин этган, учинчиси шахмат курашининг ў ёки бу соҳасини иложи борича тақомиллаштирган.


Учинчи тождор Борис Спасский универсал услубдаги шахмат жангчиси эканлиги билан машҳур. Кейинги йиллар мобайнида Керес, Смирнов, Геллер, Таль, Ларсен, Корчной, Петросян сингари шахмат чинорлари ҳам Спасскийнинг шафқатсиз зарбаларига бардош беролмай, тоб ташлагани кўпчиликлари аён.

Мурақаб муаммоларини ҳал қилишдаги Спасскийнинг универсал услуби курашининг қийин жойларини олдиндан пайкай олиш қобилияти, «ўзқондан туриб» мудофаланиш санъати ҳозир нега тўла намоён бўлмапти? Асосан бу нарсаси психологик омиллар замирида ва масъул курашга айтарлиқ шай эмаслиги ваҳидан рўй бераётган бўлса, кичикинчи, рақибнинг зўриғидан ҳам. Исландияга жўнаш олдиндан у «ҳозир шахмат оламини Фишерсиз тасаввур қилиш қийин. Агар дэвогарини танлаш ҳуқуқи берилганда ҳам, мен рақибликка ўзини ўзини кўрсатган бўлардим» деган эди. Спасский мана шундай ҳалол жангчи. Ўтган йили Тайманов ва Ларсен устидан эришган шов-шувли галабаларидан кейин Фишердан: — Шахматда нима ингилик яратдингиз? — деб сўрашганларда, у:

— Ҳеч нарсаси. Фақат рақибларимга қараганда камроқ янгилашман, холос,—деб жавоб берганди.

Ҳозир ҳам, камтарона айтганда шундай бўлади. Аммо Спасскийнинг қўпол хатолари мати ҳисобини ростманиликдан маҳрум этмоқда.

Ун тўртинчи партияда юришлар тартиби сал ўзгачароқ ҳолда машҳур фарзинг гамбининг ҳали матчада учрамаган яна бир варианты қўлланди. Дэвогар оқ доналарда ўйнаганига қарамай, курашининг оёсийишта йўлларини излагани биллиниб турди. Тахта маркада иккиқатдан либда алмаштирилган, қўришдан содда аммо аслида анчагина мураккаб вазият вужудга келди. Спасскийнинг марказдаги пьедасы яққалиниб қолган бўлса-да, сипоҳларининг ҳаракат доираси кенгроқ эди. Оқларнинг 17-юришдан кейин ўйин шундай ҳолатга келди:



Яна уч-тўрт юриш орасида жаҳон чемпиони ташаббусини қўлга олиб, бир пьедани ютди. Лекин у бу гал ҳам ўзини хатодан ҳоли тутолмади. Бундан фойдаланган Фишер вазиятни тенглаштириб олди ва 40-юришдан сўнг бу рўқдй ўйин охири дуррагга имзо чекиш билан қўришдан фойдаланиш ҳисоб тож дэвогарини фойдаланиш 8.5:5.5. Навбатдаги 15-партия бүгун ўйналади. Оқ доналарини Спасский сурди.

М. МУХИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ФУТБОЛ

АРМОНДАН ЧИҚИШДИ

Ўтган кунги Тошкентдаги учрашув кўплаб футбол муҳлис-ларининг руҳини кўтариб юборди. Кетма-кет галаба қозониб юрган пахтакорчилар «Уралмаш»нинг аламини динамочилардан олмоқчида дадил ҳаракат қилишди. Дастлабки минутлардаюқ «мехмонлар» дарвозасини нишонга олиш учун қатъий кураш бошланди. Динамочилар «Пахтакор» қийинчилик билан ўйиндан 3:0, «Строитель» — «Металлур» — 2:0, «Помир» — «Текстильщик» — 1:1, «Олга» — «Шинник» — 1:1, «Шахтёр» (Д) — «Шахтёр» (К) — 2:0, «Автомобилист» — «Звезда» — 1:1, «Спартак» — «Уралмаш» — 0:0, «Торпедо» — «Кр. Сове-тов» — 0:1.

Ана шу учрашувлардан кейин ўйинлар жадалининг қўрилиши:

	У	Т	О
«Пахтакор»	24	42-16	37
«Черноморец»	23	43-21	31
«Звезда»	24	29-22	30
«Шахтёр» (Д)	23	29-13	28
«Шинник»	23	25-19	28
«Торпедо»	23	30-18	26
«Помир»	24	32-33	26
«Олга»	24	26-18	25
«Спартак»	24	21-24	24
«Кр. Советов»	24	21-24	23
«Металлист»	24	25-28	23
«Шахтёр» (К)	24	26-27	21
«Нистру»	24	24-38	21
«Строитель»	23	17-25	20
«Автомобилист»	24	29-33	18
«Металлур»	23	21-35	18
«Текстильщик»	23	16-30	17
«Динамо»	23	28-44	16
«Уралмаш»	24	19-30	14

Қўришиб турибдики, пахтакорчилар мавқеларини тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар. 19 август кунги командамиз ўз майдонида Харьков шаҳрининг «Металлист» командасини қабул қилди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

РУМИНИЯ ФАШИСТЛАР ЗУЛМИДАН ОЗОД ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 28-ЙИЛЛИГИ

РУМИНИЯДА БАЙРАМ

Социалистик Руминиянинг меҳнаткашлари мамлакат фашистлар зулмидан озод этилган куннинг 28 йиллигини катта тантана билан нишонламоқдалар. Мамлакатнинг ҳамма ерида — сановат корхоналарида, кишлоқ хўжалик кооперативларида бу байрам алоҳида нишонланмоқда.

Хунодор металлургия комбинатининг коллективи палатдан ташқари ишлаб чиқарган пўлат тахтадан 2450 трактор исал мумкин. Бу корхона шу йилнинг дастлабки етти ойи мобайнида 1715 тонна металл топси. 13328 тонна чўйи. 18680 тонна пўлат ишлаб чиқарди. Руминияда кemasозлик сановатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада набул қилинган кенг программа муваффақиятга эришмоқда. Галацда 15 минг тонна юк кўтарилган кема лийндаги-ча сувга туширилган эди. Галац кemasозлари ҳажми 7500 тонна келадиган янги кемани мундтадидан 12 кун олдин қуришга эришдилар. Республикадаги бошқа кemasозлик корхоналарининг ишчилари ҳам янги денгиз кемалари қуриш планини мундтадидан олдин бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Мамлакатнинг йирик порти бўлган Констанца портининг ҳодимлари учта пайкай қуриш мундтадидан иккинчи ой олдин таомиллашди. Бу эса портининг ўтказиш қобилиятини йилга 1 миллион тонна юкка қўпайтирди. Тузча портида учта янги причал ҳам фойдаланишга берилди. Ана шу причалларнинг қурилиш ишчилари охириги кварталда тугаллаш мўжламанган эди.

Руминия бундай катта муваффақиятларга янги тузумнинг ҳаётибахш нури остида эришмоқда. Фашизмга қарши олиб борилган курашда бундай халқнинг эришган галабаси ана шундай буюк галабаларни қўлга қиритишга ёрдам берди.

Маълумки, румин меҳнаткашлари гитлерчилар Германиясига қарши урушининг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган Совет Иттифоқи халқларидан гўят миннатдордилар. Руминия жангчилари Совет Армияси билан биргаликда урушининг охириги босқичида душманини тор-тор келтирган эдилар. Шунинг учун ҳам меҳнаткаш румин халқи халоскор Совет Армиясини абадий шарафлайди.

Руминия — Совет муносабатларининг ривожланиб бораётганлиги иккинчи мамлакат ўрасидаги мустаҳкам ҳамкорликда тағин ҳам тўла намоён бўлмоқда. Жуларда, кейинги вақтлардаги воқеаларни мамнуниин билан таъкидлаб ўтиш зарур. Руминия Компартиясини Марказий Комитетининг Бош секретари, РСР Давлат кенгаширининг раиси Н. Чаушеску билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг яқинда Крымда бўлиб ўтган учрашувини ана шу дўстона алоқалар орасидаги энг юксак нуқта ҳисобланади.

Руминия кейинги пайтларда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқани тағин ҳам қўчайтирмоқда. Бу эса Руминия экономикаси ва маданиятининг янада юксалишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.



КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШГА КИМЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

Ғарб матбуотида босилган хабарларга қараганда, НАТО шу йил сентябрда Атлантика океанининг шимолий қисмида «Стронг экспресс» деган шартли ном билан машқ ўтказишга қарор қилган. Бу машқ — Атлантика блокти ташкил этилгандан бери ўтган 23 йил мобайнидаги энг катта ҳарбий машқ бўлади. Унда АҚШ, Англия, ГФР, Канада, Португалиянинг ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг тахминан 64 минг ҳарбий хизматчиси ва жуда кўп ҳарбий кемалари қатнашади. Машқлар давомида Шимолий Ирландияга икки марта қўшин туширилади.

Европадаги сиёсий иқлимни яхшилаш сари равшан бўрилиш асаланган бир пайтда, милитаристлар ўз «қучларини намоийиш қилиш»ни планлашмоқдалар. Ўз-ўзидан равшанки, бу иш тасодифий равишда қилинаётгани йўқ. Сиёсий реализм сари бўрилиш, милитаристларнинг мисси чиққан

«эравоник» сиёсатидан воз кечиш, тинчлик ва коллектив ҳавфсизлики мустаҳкамлаш тенденциялари миллион-миллион европалликларни гўят мажнун қилмоқда. Социалистик давлатларнинг тинчликсевар ва амалий сиёсати натижасида Европада ана шу тенденциялар тобора қўчайиб бормоқда. Лекин муайян империалистик доиралар кескинлики янада ошматтиш агрессия мақсадлар учун тузилган атлантика блокининг тарқалиб кетишига олиб бориши мумкин, деб ҳисоблаб, ана шу реалистик тенденциялардан безовта бўлмоқдалар ва ҳавотирликка тушмоқдалар. Ана шу доиралар ҳозир НАТОни «мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини авж олдириш» учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Америка сенати Пентагоннинг қистовига қўйиб, яқинда қурол-прог, шу жумладан, унинг энг янги турларини сотиб олиш ва ишлаб чиқиш

учун 20 миллиард доллардан кўпроқ жуда катта маблағ ажратишга рози бўлганлиги бунинг охириги далилларидан биридир. Ҳозир НАТО штабларида юксак мансабларни эгаллаб турган Пентагон генераллари бу блокнинг Ғарбий Европадаги аъзолари НАТОга қўшадиган «хиссаларини» янада қўпайтиришлар деб, жар солаётганлиги ҳам Америка ҳарбий стратегиясининг ҳақиқий ниятлари нима эканлигини кўрсатиб турибди. Пентагон стратеглари Атлантика океанида ўтказилмаган «ўли уруш» машини тайёрлаш ва ўтказишда асосий роль ўйнаши ҳам характерлидир. Мабут хабарларига қўра, «Стронг экспресс» машқларига НАТОнинг Ғарбий Европадаги бирлашган қуролли қучлари олий бош қўмондониди — Америка генерали Дуглестер билан НАТОнинг Атлантикадаги бирлашган қуролли қучлари олий бош қў-

мондониди — Америка адмирал Дункен қўмондонлиқ қилдиладар.

НАТО кенгашининг Боннда бўлиб ўтган сўнги, май сессияси шунини кўрсатдики, Блокига аъзо бўлган бир қанча мамлакатлар Европа китасида ва умуман халқаро майдонда қўчайиб бораётган чўқур сиёсий силжишлар ва янги тенденцияларни бундан бунинкор қилмоқчи эмаслар. Лекин реализм сари бурлиш қилинишига тарафдор бўлган қучлар мустаҳкамлашиб бораётган бир пайтда Пентагон билан маҳкам болганган НАТОнинг қароргоҳларида кескинлики юмшатишга тўсқинлик қилиш, Европада коллектив ҳавфсизлигини вужудга келтириш йўлига сўнги оғвар қўйиш пайида юрган доиралар ҳали ҳам анча қучли. Бу эса, халқлар бундан бунин ҳам юксак даражада қўшув бўлиб туришлари лозимлигини, империалистик қучларнинг ҳамма найрағларига кескин зарба беришлари кераклигини қайта-қайта эслатиб туради.

Ю. КОРНИЛОВ,
В. ПОЛКАРПОВ,
(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
10.50 — ТОШКЕНТ, 10.55 — Мультифильм, 11.05 — Телеспек-таль, 12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Қўғирчоқ фильми, 18.25 — Ахборот, 18.50 — Телефильм, 19.00 — ХҲР РЕСПУБЛИКАЛАР ВУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Тўн. мўйининг беш кун, 22.55 — Осмонни забот этувчилар (бадий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
17.50 — МОСКВА, 17.55 — Ингиликлар, 18.00 — Концерт, 18.30 — Тағанроқ учрашувлари, 19.05 — Хўжасиёни фильмининг, 20.20 — Социализм дўст, 20.40 — Телефильм, 22.00 — Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
20.00 — ТОШКЕНТ, Хўжасиёни фильми, 21.00 — Фарҳоннинг ма-сорати (бадий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/УЧ да Парвоз, 18/УЧ да Мирзо Улуғбек.
МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/УЧ да Тоғ гўзали, 18/УЧ да Лақма.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА
Туман тарқалган... — «ЎЗБЕККИС-ТОН» (қундуз ва кечқурун).
Садокат — «ЎЗБЕККИСТОН» 25 ПИЛЛИТИ (қундуз ва кечқурун).
Гайдуқ Ангелининг саргузашти — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛ-ЛИГИ» (шўфт соатлар), НАВОНИЙ номли, «СПУТНИК» (қундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (қундуз соат 10, қундуз 2, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Пётрбург билан хайрашуув — САЛҲАТ САРОНИ (қундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (қундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).
Валпариаско — сенинг жинна-тим (қундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да). Қароқчи-қарилар (қундуз ва кечқурун) — ҲАМЗА НОМЛИ.

Фреddie, биринчи ури — «КОМ-СОМОЛ 30 ПИЛЛИТИ» (шўфт соат-лар).
Аббоснинг онаси — «КҲҲЧА» (қундуз ва кечқурун).

Сунги қалъа — «ВОСТОК» (қундуз ва кечқурун).
Сангам — НАВОНИЙ номли (кеч соат 8 да).
Кулгиди қиз — «МОСКВА» қун-дуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.40 ми-нутда).

ЕЗГИ ВИНОВА
Гайдуқ Ангелининг саргузашти — «ФЕСТИВАЛЬ».
Яланғоч маха — «ХИВ».

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
19 АВГУСТ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
СССР биринчилиги учун «МЕТАЛЛИСТ» (Харьков) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективини сув ҳўжалиги ва еув хўжалиги қурилиши бў-лимининг мудир, ишлар му-дирлиги партия боровсининг секретари, Т. А. Алимовга отаси

Аъзамжон АЛИМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қи-лади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети, унинг жамо-ат ташкилотлари давлат коми-тетининг масъул ходимаси С. А. Хўжаевага отаси

Аъзамжон АЛИМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қи-лади.

Ўзбекистон ССР Маориф ми-нистрлиги маориф министри-нинг уринбосари И. Х. Тўхта-хўжаевага апаси

Собит Хўжаевич ТУХТАХУНАЕВИН
вафот этганлиги — муносабати билан чўқур таъзия изҳор қи-лади.

Республика «Ўзбегтормет» ишлаб чиқариш бйрашмаси-нинг коллективни бйрашмаси-нинг Самарқанд област ишлаб чиқариш асхонинг бошлиги

Собит Хўжаевич ТУХТАХУНАЕВИН
вафот этганлиги чўқур қай-ғу билан билдилади ва мар-хумининг оиласига таъзия из-ҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Гласности» пром» коллективни кекса ходим, шахсий пенсионер

Аъзамжон АЛИМОВНИНГ
вафот этганлиги чўқур қай-ғу билан билдилади ва мар-хумининг оиласига таъзия из-ҳор қилади.